

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Фарғона шаҳри

2023 йил 25 сентябрь

4-1501-2304/6486-сонли иш

Фарғона туманлараро иқтисодий судининг судьяси Х.Жамолиддинов раислигида, Н.Эралиеванинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар вакили А.Карабаев (ишончнома ва адвокатлик ордери асосида) иштирокида, жавобгар ва учинчи шахс вакиллари иштирок этмаган ҳолда, даъвогар “FAR-STROY-GROUP” МЧЖнинг жавобгар – “QUVASOY SHIFER GOLD” МЧЖга нисбатан тарафлар ўртасида 2020 йил 18 ноябрда тузилган бино-иншоот олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топилганлиги сабабли битимни ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни суд биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар “FAR-STROY-GROUP” МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар – “QUVASOY SHIFER GOLD” МЧЖбилан 2020 йил 18 ноябрда тузилган бино-иншоот олди-сотди шартномаси суднинг 2023 йил 8 июнь кунги ҳал қилув қарори билан ҳақиқий эмас деб топилганлигини инобатга олиб, ушбу битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллашни сўраган.

Суднинг ажрими билан ишга низо предметида нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида АТ “Халқ банки” жалб қилинган.

Суд мажлисида даъвогар вакили даъво талабларини қувватлаб, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар ва учинчи шахслардан суд мажлисига вакиллар келмади. Улар суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинганлиги боис, суд ИПК 128, 170-моддаларини қўллаб, суд муҳокамасини уларнинг иштирокисиз ўтказиш мумкин деб ҳисоблайди.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, даъвогар вакилини кўргазмаларини тинглаб, ишда тўпланган ҳужжатларга асосан қуйидаги хулосага келди:

Иш ҳужжатлари ва суд муҳокамасидан аниқланишича, «FAR-STROY-GROUP» МЧЖ (Сотувчи) ва «QUVASOY SHIFER GOLD» МЧЖ (Сотиб олувчи) ўртасида 2020 йил 18 ноябрь куни бино-иншоот олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, шартномага асосан даъвогарга тегишли Фарғона шаҳар Мустақиллик МФЙ Ёруғлик кўчаси ЗБ-уйда жойлашган умумий ер майдони 13 657,55 кв.м., қурилиш эгаллаган майдони 5 846,51 кв.м., фойдали майдони 209,2 кв.м.дан иборат бўлган савдо савдо ишлаб чиқариш базаси бино-иншоотлари бир қисми, яъни умумий майдони 1 782,77 кв.м., қурилиш эгаллаган майдони 1 134,48 кв.м., фойдали майдони 1 065,68 кв.м. бўлган савдо ишлаб чиқариш базаси бино-иншоотлари сотилган.



Шартнома баҳоси 5 390 000 000 сўм деб кўрсатилган. Ушбу пул маблағлари сотиб олувчи томонидан сотувчига тўлаб берилмаган.

Шартномада кўрсатилган тўловлар амалга оширилмаганлиги ва сотиб олувчи мулкларни ўзлаштириб олганлиги сабабли сотувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2022 йил 26 декабрдаги №1-1501-2203/2580-сонли жиноят иши бўйича қабул қилинган ҳукмига асосан сотиб олувчи - «QUVASOY SHIFER GOLD» МЧЖ таъсисчиси Норматов Боходиржон Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилиб, 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмида «QUVASOY SHIFER GOLD» МЧЖ таъсисчиси Б. Норматов алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида Ш.Батировга тегишли бўлган «FAR-STROY-GROUP» МЧЖнинг Фарғона шаҳар Мустақиллик МФЙ Ёруғлик кўчаси ЗБ-уйда жойлашган шифер заводини, шифер ишлаб чиқариш дастгоҳлари, азбест, цемент, 2 та контейнерлари билан бирга жами 582 000 АҚШ долларига сотиб олишни, пулларни бир ой ичида банкдан олган кредит эвазига қоплашини айтиб, алдаб, 2020 йил 18 ноябрь куни шифер ишлаб чиқариш ускуналари ва улар жойлашган ер майдони ҳамда ибно-иншоотларини ўзининг таъсисчилигидаги «QUVASOY SHIFER GOLD» МЧЖ номига олди-сотди шартномаси асосида ўтказиб олган. Сўнгра ушбу мулкларни АТ “Халқ банки” Фарғона филиали билан тузилган 2021 йил 17 март кунги 89/21-сонли кредит шартномасига асосан кредит гарови сифатида банкка тақдим қилиб, 300 000 евро миқдорида кредит маблағларини олишга эришган.

Фарғона вилоят суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 25 апрель кунги ажрими билан Б.Норматовга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2022 йил 26 декабрдаги ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисми ўзгартирилган. Б.Норматовдан жабрланувчи Ш.Ботиров фойдасига 6 047 521 260 сўм ундириш қисми бекор қилиниб, 582 000 АҚШ доллари (6 047 521 260 сўм)лик Фарғона шаҳар Мустақиллик МФЙ Ёруғлик кўчаси ЗБ-уйда жойлашган шифер заводини, шифер ишлаб чиқариш дастгоҳлари ва бошқа мулклар жабрланувчи Ш.Батировга қайтарилиши белгиланган. Б.Норматовдан 300 000 евро (2022 йил 26 декабрда 1 евронинг ўзбек сўмига нисбатан қиймати 11 888,56 сўм) ёки 3 566 568 000 сўм зарар АТ “Халқ банки” Фарғона шаҳар филиали фойдасига ундириш белгиланган.

Муқаддам даъвогар “FAR-STROY-GROUP” МЧЖнинг жавобгар – «QUVASOY SHIFER GOLD» МЧЖ билан 2020 йил 18 ноябрда тузилган бино-



иншоот олди-сотди шартномаси алдаш ва ўзгани мулкани ўзлаштириш мақсадида тузилганлигини инобатга олиб, ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси кўриб чиқилиб, Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 8 июнь кунги даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Суднинг мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлиб, жавобгар Фарғона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти билан мурожаат этиб, Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 8 июнь кунги ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни қайта кўриш учун биринчи инстанция судига юборишни сўраган.

Жавобгарнинг апелляция шикояти Фарғона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йил 23 август куни кўриб чиқилиб, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Биринчи инстанция ва апелляция инстанцияларининг ҳал қилув қарорларида 2020 йил 18 ноябрь куни тузилган бино-иншоотлар олди-сотди шартномасида бино-иншоотларнинг сотиш баҳоси 5 390 000 000 сўм деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 73-моддасида исботлашдан озод қилиш асослари кўрсатилган бўлиб, Жиноят ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми муайян ҳаракатлар содир этилганлиги ёки содир этилмаганлиги ва улар кимлар томонидан содир этилганлиги масалалари бўйича иқтисодий суд учун мажбурийдир.

ФК 114-моддасида “Ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир.

Битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.” – деб кўрсатилган.

Юқорида баён этилганларга асосан суд, даъво талабларини қаноатлантириб, тарафлар ўртасида 2020 йил 18 ноябрь куни тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топилганлиги боис, битим ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллаб, шартнома қиймати 5 390 000 000 сўм бўлган даъвогарга тегишли Фарғона шаҳар Мустақиллик МФЙ Ёруғлик кўчаси 3Б-уйда жойлашган умумий ер майдони 13657.55 кв.м., қурилиш эгаллаган майдони 5846.51 кв.м., фойдали майдони 209.2 кв.м.дан иборат бўлган савдо савдо ишлаб чиқариш базаси бино-иншоотлари бир қисми, яъни умумий майдони 1782.77 кв.м., қурилиш эгаллаган майдони 1134.48 кв.м., фойдали майдони 1065.68 кв.м. бўлган савдо ишлаб чиқариш базаси бино-иншоотларни жавобгардан даъвогарга қайтаришни лозим топди.

ИПК 118-моддасига кўра, суд даъвогар томонидан тўланган 1 650 000 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажатини жавобгар ҳисобидан даъвогар



foyдасига ундириш, 106 150 000 сўм давлат божини жавобгардан ундириш лозим бўлади.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 66-68, 73, 118, 178-179, 181, 186-190, 259, 262-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Даъво талаби қаноатлантирилсин.

Тарафлар ўртасида 2020 йил 18 ноябрь куни тузилган бино-иншоот олди-сотди шартномаси суд қарорлари билан ҳақиқий эмас деб топилганлигини инобатга олиб, ушбу битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатлари қўллансин.

Даъвогар “FAR-STROY-GROUP” МЧЖга тегишли шартнома қиймати 5 390 000 000 сўм бўлган Фарғона шаҳар Мустақиллик МФЙ Ёруғлик кўчаси 3Б-уйда жойлашган умумий ер майдони 13 657,55 кв.м., қурилиш эгаллаган майдони 5 846,51 кв.м., фойдали майдони 209,2 кв.м.дан иборат бўлган савдо савдо ишлаб чиқариш базаси бино-иншоотлари бир қисми, яъни умумий майдони 1 782,77 кв.м., қурилиш эгаллаган майдони 1 134,48 кв.м., фойдали майдони 1 065,68 кв.м. бўлган савдо ишлаб чиқариш базаси бино-иншоотларни жавобгар “QUVASOY SHIFER GOLD” МЧЖдан даъвогарга қайтарилсин.

Даъвогар «FAR-STROY-GROUP» МЧЖ фойдасига жавобгар “QUVASOY SHIFER GOLD” МЧЖ ҳисобидан 1 650 000 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар “QUVASOY SHIFER GOLD” МЧЖ ҳисобидан Республика бюджетига 106 150 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ишда иштирок этувчи шахслар бир ойлик муддат ичида суднинг ҳал қилув қарори устидан шу суд орқали Фарғона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти беришга ҳақли.

**Раислик этувчи,
судья**

Х.Жамолiddинов

